
ПОРЛОҚ НОМИГА МОНАНД БЎЛМОҚДА

Сўнги йилларда Порлоқ маҳалла фуқаролар йиғини кўчаларининг инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталаган бўлсак, юқоридаги фикримизнинг яққол исботи бўлади. Президентимизнинг 408-сонли қарори ижроси бўйича маҳалланинг Парвоз, Катта ариқ, Абдулла Авлоний, ал Фарғоний, Сетора, Нуроний, Тошли боғ, Баҳор, Обод турмуш кўчаларида жами 5 минг 400 метр сув қувурини ётқизиш ишлари амалга оширилмоқда. “Пардозлаш таъмир хизмат” МЧЖ томонидан олиб борилаётган ишларга 1 млрд. 956 млн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, ишлар июль ойида ниҳояланади. Бу билан 720 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланади.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-18 15:16:21